

2 – масала

“Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2014 йил 4 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан тасдиқланган “Давархитектқурилиш” қўмитасининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши баёни қарори ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 452-сонли буйруғида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши бўйича институтда амалга оширилаётган ишлар ҳақида”ги масала юзасидан Илмий кенгашнинг 2015 йил 29 январ 6/2 сонли қарори

Илмий кенгаш “Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2014 йил 4 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан тасдиқланган “Давархитектқурилиш” қўмитасининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши баёни қарори ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 452-сонли буйруғида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши бўйича институтда амалга оширилаётган ишлар ҳақида”ги масала юзасидан ўқув ишлари бўйича проректор **А.Т.Қўлдашев**нинг ахборотини тинглаб ва муҳокама қилиб, қуйидагиларни таъкидлайди.

Вазирлар Маҳкамаси йиғилишининг баёнини ижроси бўйича Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг **чора-тадбирлар Дастури** ишлаб чиқилди. Мазкур Дастурни қисқа фурсатларда амалга оширилишини таъминлаш бўйича институт ишчи гуруҳи ташкил этилди.

Бўлажак архитекторларни тайёрлайдиган базавий коллежларга айлантириш мақсадида институтга бириктирилган архитектура-қурилиш соҳаси бўйича ихтисослашган Самарқанд шаҳар қурилиш ва миллий ҳунармандчилик коллежи, Булунғур миллий ҳунармандчилик коллежи ва Самарқанд транспорт ва коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежлари танлаб олинди.

Мазкур касб-ҳунар коллежлари **архитектура, ҳунармандчилик ва дизайн** каби ижодий йўналишлар бўйича кадрлар тайёрлашга ихтисослашганлиги ва уларда **2015-2016** ўқув йилидан бошлаб **25 та** ўқувчидан иборат махсус гуруҳлар ташкил этиш ва йўналиши бўйича бўлажак архитекторлар тайёрлаш имкониятлари мавжудлиги аниқланди. Уларга СамДАҚИнинг архитектура бўйича мутахассисликка эга бўлган профессор-ўқитувчилари КХҚда ҳамкорлик асосида дарс беришга жалб қилинди.

Институт талабалар ичидан энг иқтидорлиларини танлов асосида ривожланган хорижий мамлакатлардаги шаҳарлар архитектураси, шаҳарсозлиги ва ландшафт дизайни тажрибалари билан бевосита танишишлари учун мазкур шаҳарлардаги соҳадаги етакчи ОТМлари билан халқаро шартномалар тузиш, ўзаро икки томонлама алмашув асосида талабаларнинг муддатли (10-14 кун), малакавий амалиётларини ташкил қилиш **ҳозирги кунда давр талабидир**.

Архитектура таълим йўналишларида таҳсил олаётган талабаларнинг амалий (лойиҳачилик) кўникмаларини шакллантириш учун таълимнинг хўжалик ташкилотлари билан интеграциясини кучайтириш, етакчи ишлаб чиқариш ташкилотларида мутахассислик кафедраларининг филиалларини очиш ва уларнинг амалий ишларини таълим жараёни билан боғлаш мақсадга мувофиқдир.

Архитектура таълим йўналишлари битирувчиларининг курс ва диплом лойиҳалари мавзуларини етакчи архитектура ва қурилиш ташкилотларининг реал буюртмалари, яъни реал мавзулардаги курс ва диплом лойиҳаларини бажариш йўли билан уларни амалиётга боғлашга эришиш лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда

Илмий кенгаш қарор қилади:

1. “Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2014 йил 4 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан тасдиқланган “Давархитектқурилиш” қўмитасининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши баёни қарори ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 452-сонли буйруғида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши бўйича институтда амалга оширилаётган ишлар ҳақида”ги масала юзасидан ўқув ишлари бўйича проректор **А.Т.Қўлдашев**нинг маърузаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Архитектура йўналишида тахсил олаётган талабаларга хорижий тиллардан билимларини ошириш, махсус фанларини мукамал ўрганишлари ва юқори даражадаги билимга эга бўлишлари учун керакли шарт-шароитлари яратилсин ва бажарилиши лозим бўлган ишларнинг дастурлари ишлаб чиқилсин. **Масъуллар:** “Архитектура” факультети декани ва “Тилларни ўрганиш” ҳамда мутахассис кафедра мудирлари. **Муддати:** 20 кун.
3. Архитектура соҳасида мавжуд муаммолар, долзарб мавзулар бўйича етук амалиётчи архитекторлар ва республикаимиз ОТМларининг малакали профессор-ўқитувчилари билан очиқ мулоқотлар, давра суҳбатлари ташкил этиш режаси ишлаб чиқилсин. **Масъуллар:** “Архитектура” факультети декани, мутахассис кафедра мудирлари ҳамда профессор-ўқитувчилари. **Муддати:** 2 ҳафта.
4. Хорижий мамлакатлар жумладан, Хитой ва Жанубий Кореядаги ОТМ, лойиҳа институтларига иқтидорли ёшларни стажировкага юбориш ҳамда у ердаги етакчи мутахассисларни таклиф қилиб, улар иштирокида “маҳорат дарслари”ни ташкил этишни йўлга қўйиш ва мазкур тадбирларни уюштириш бўйича йиллик дастур ишлаб чиқилсин. **Масъуллар:** Халқаро алоқалар бўлими бошлиғи. **Муддати:** 30 кун.
5. “Архитектура” факультетидаги иқтидорли талабалар ва амалиётчи ўқитувчиларнинг Республика ва халқаро миқёсдаги танловлар ва кўрикларда, илмий конференцияларда, халқаро фан олимпиадаларида, Давлат стипендиялари, таълим грантлари, ижодий лойиҳа танловларида фаол иштирок этишлари ташкил этилсин. **Масъуллар:** “Архитектура” факультети декани, мутахассис кафедра мудирлари ҳамда профессор-ўқитувчилари. **Муддати:** Ўқув йили давомида
6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш ўқув ишлари проректори **А.Т.Қўлдашев** зиммасига юклатилсин.

Илмий кенгаш котиби



Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов

3 – масала

“Камолот” ЁИХ бошланғич ташкилоти томонидан институтда олиб борилаётган ишлар тўғрисида”ги масала юзасидан Илмий кенгашнинг 2015 йил 29 январдаги ахбороти

“Камолот” ЁИХ бошланғич ташкилоти томонидан институтда олиб борилаётган ишлар тўғрисида”ги масала юзасидан “Камолот” ЁИХ институт бошланғич ташкилоти етакчиси З.Х.Ясаковнинг ахборотини тинглаб ва муҳокама қилиб қуйидагиларни таъкидлайди.

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти томонидан “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Устав ва Дастурида белгиланган вазифалар, 2012 йил 19 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда “Камолот” ЁИХ томонидан имзоланган қўшма қарор асосида ёшларни мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик, сиёсий ва иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, жамиятда тинчлик ва ҳамжаҳитликни мустаҳкамлаш ишларига кенг жалб қилиш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш, йигит-қизларнинг маънавий ва касбий савиясини юксалтириш, уларнинг интеллектуал ҳамда ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш мақсадида иш фаолиятини амалга ошириб келмоқда.

Институт “Талабалар турар жойи”да 332 нафар талаба истоқамат қилиб, уларнинг 140 нафари қизларни ташкил этади. “Талабалар турар жойи”да “Камолот” ЁИХ институт бошланғич ташкилоти томонидан ўқув йили давомида 42 та давра суҳбатлари уюштирилди.

Институт «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти томонидан талабаларнинг маънавий дунёқарашини кенгайтириш, уларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш мақсадида “Тилларни ўрганиш”, “Фалсафа”, “Социология ва иқтисодий назария”, “Ўзбекистон тарихи” кафедралари билан ҳамкорлигида 67 та давра суҳбатлари ташкил этилди ва бу тадбирларга 1243 нафар талаба-ёшлар жалб қилинди.

Ўзбекистон Либерал демократик партияси билан ҳамкорликда “Қонун устуворлиги-тараққиёт кафолати”, “Талабанинг ҳуқуқлари” мавзуларида давра суҳбатлари ўтказилди.

Кенгаш томонидан терроризм, гиёҳвандлик, ОИТС ва ОИВ каби иллатларнинг салбий оқибатлари, уларнинг гирдобига тушиб қолганларнинг аянчли аҳволи нақадар мудхиш ҳолат эканлигини талаба-ёшлар онгига сингдириш мақсадида ИИБ Самарқанд вилояти бошқармаси, “Камолот” ЁИХ Самарқанд вилоят Кенгаши, СТВ телерадио компанияси билан ҳамкорликда 12 та тадбир ташкил этилди.

Ижодкор талабаларнинг ижодий ишларини талабалар эътиборига ҳавола этиш, иқтидорли талабаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Ватан менинг нигоҳимда” мавзусида расмлар ва макетлар кўргазмаси ташкил этилди.

“Бунёдкор-2014” талаба-ёшлар меҳнат ҳаракатига 301-нафар талаба жалб этилди ва улар вилоятнинг Пайариқ, Пастдарғом, Тайлоқ туманларида замонавий уй-жойлар қурилишида ишлаш учун ўз ҳиссасини қўшишди.



Илмий кенгаш котиби

Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов

Ҳар хил масалалар.

Кун тартибдаги ҳар хил масалалар бўйича сўз илмий ишлар бўйича проректор **Э.Х.Исаковга** берилди.

I. 1-босқичга қабул қилинган катта илмий ходим-изланувчилар ва мустақил изланувчиларнинг илмий консультант билан биргаликда диссертация ишини тайёрлашнинг якка тартибдаги режаси ва ихтисосликлар бўйича ўзлаштириладиган назарий-методологик курснинг ўқув режаси ҳамда дастурини тасдиқлаш тўғрисида.

Эшитилди:

Институтни илмий педагог кадрларга бўлган эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда 2015 йил учун давлат буюртмасига асосан қабул қилинган катта илмий ходим-изланувчилар ва мустақил изланувчилар учун ихтисосликлар бўйича ўзлаштириладиган назарий-методологик курснинг **ўқув режаси, дастурини** ҳамда илмий консультант билан биргаликда диссертация ишини тайёрлашнинг **якка тартибдаги режаларини** тасдиқлаш тўғрисидаги илмий ишлар бўйича проректор **Э.Х.Исаковнинг** ахбороти тингланди:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сон *“Олий ўқув юртдан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”*ти қарори билан тасдиқланган *“Олий ўқув юртдан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талаблари”* ва *“Олий ўқув юртдан кейинги таълим тўғрисида”*ти Низомнинг 21, 22-бандларига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг *“Катта илмий ходим-изланувчилар ва мустақил изланувчилар томонидан мустақил равишда ўзлаштириладиган фанлар”* тўғрисидаги 2013 йил 30 декабр билан тасдиқланган 201/6-сон қарорига мувофиқ ОАК эксперт кенгаши томонидан белгиланган фанлар бўйича институтда 7 ихтисослик **(18.00.01-Архитектура назарияси ва тарихи. Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш), (18.00.03-Шаҳарсозлик, районлаштириш. Ландшафт архитектураси ва қишлоқ турар жойларини режалаштириш), (05.24.01-Геодезия. Картография), (05.23.04-Сув таъминоти, канализация,сув ҳавзаларини муҳофазалаш учун қурилиш тизимлари), (01.02.04-Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси), (01.02.05-Суюқлик ва газ механикаси), (05.23.01-Қурилиш конструкциялари, бинолар ва иншоотлар)** бўйича илмий фаолият олиб бораётган катта илмий ходим-изланувчилар ва мустақил изланувчилар учун назарий методологик курснинг ўқув режаси, дастури, диссертация ишини тайёрлашнинг якка тартибдаги режаси илмий маслаҳатчилар билан биргаликда шакллантирилиб, ишлаб чиқилган.

Илмий кенгаш қатнашчилари ихтисосликларнинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда илмий маслаҳатчилар томонидан ишлаб чиқилган назарий-методологик курснинг ўқув режаси, дастури ва диссертация ишни тайёрлашнинг якка тартибдаги режасини тасдиқлаш тўғрисидаги илмий ишлар бўйича проректор **Э.Х.Исаковнинг** ахборотини эшитиб, илмий кенгаш аъзоларининг фикр-мулоҳазалари асосида

Илмий кенгаш қарор қилади:

1. “1-босқичга қабул қилинган катта илмий ходим-изланувчилар ва мустақил изланувчиларнинг илмий консультант билан биргаликда диссертация ишини тайёрлашнинг якка тартибдаги режаси ва ихтисосликлар бўйича ўзлаштириладиган назарий-методологик курснинг ўқув режаси ҳамда дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ти масала юзасидан илмий ишлар бўйича проректор **Э.Х.Исаковнинг** ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.
2. Институтда мавжуд ихтисосликлар бўйича илмий фаолият олиб бораётган катта илмий ходим-изланувчилар ва мустақил изланувчилар учун назарий методологик курснинг ўқув режалари, дастурлари ва илмий консультант билан биргаликда диссертация ишини тайёрлашнинг якка тартибдаги режалари тасдиқлансин.

3. Катта илмий ходим-изланувчилар ва мустақил изланувчиларнинг махсус билимларини ошириш мақсадида, улар томонидан мустақил ўзлаштириладиган назарий-методологик дастур, режага мувофиқ ўқишнинг биринчи йили мобайнида илмий маслаҳатчи ёрдамида ўзлаштирилиши белгилансин.
4. Илмий ишлар бўйича проректор **Э.Х.Исаков**га, илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи **У.А.Хушвақтов**ларга:
 - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сонли қарори билан тасдиқланган “*Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисида*”ги **Низом**нинг тегишли бандларига мувофиқ институтда фаолият юритаётган катта илмий ходим-изланувчилар ва мустақил изланувчиларнинг фаолияти самарадорлиги мониторингини мезонлар бўйича амалга оширилиши;
 - илмий консультант билан биргаликда диссертация ишини тайёрлашнинг яқка тартибдаги тасдиқланган режасининг бажарилишини назорат қилиш вазифалари юклатилсин.
5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш илмий ишлар бўйича проректор **Э.Х.Исаков** зиммасига юклатилсин.

Кун тартибидаги ҳар хил масалаларни давом эттириш учун сўз илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматов**га берилди.

II. Институт Уставини тасдиқлаш тўғрисида.

Эшитилди:

Институтнинг тўлдирилган ва қайта таҳрир қилинган Уставини тасдиқлаш ҳақидаги илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматов**нинг ахбороти тингланди.

Илмий кенгаш қарор қилди:

Институтнинг тўлдирилган ва қайта таҳрир қилинган Устави тасдиқлансин.

III. Институт ички низомини тасдиқлаш тўғрисида.

Эшитилди:

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти доцентлари **А.Т.Қўлдашев**, **И.С.Саттаров** ва **С.Матязов**лар томонидан тайёрланган “*Талабаларнинг фанлардан мустақил ишларини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисида*”ги ички Низомини тасдиқлаш ҳақида илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматов**нинг ахбороти тингланди.

Илмий кенгаш қарор қилди:

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти доцентлари **А.Т.Қўлдашев**, **И.С.Саттаров** ва **С.Матязов**лар томонидан тайёрланган “*Талабаларнинг фанлардан мустақил ишларини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисида*”ги ички Низомини тасдиқлансин.

IV. Ўқув адабиётларини чоп этишга тавсия бериш ҳақида.

Эшитилди:

Институт илмий ишлар бўйича проректори, “Геодезия, картография ва кадастр” кафедраси доценти **Э.Х.Исаков** томонидан тайёрланган 5А340102 – “Архитектура назарияси ва тарихи, архитектура ёдгорликларини тиклаш”, 5А340101 – “Бино ва иншоотлар архитектураси”, 5А311503 – “Бино ва иншоотлар кадастри”, 5А311502 – “Геодезия ва картография (амалий геодезия)” мутахассисликлари бўйича таълим олувчи магистрантлар учун мўлжалланган “**Меъморий обидалар ўлчамларини аниқлашнинг геодезик усуллари**” номли ўқув қўлланмасини чоп этишга тавсия бериш ҳақида илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматов**нинг ахбороти тингланди.

Илмий кенгаш қарор қилди:

Институт илмий ишлар бўйича проректори, “Геодезия, картография ва кадастр” кафедраси доценти **Э.Х.Исаков** томонидан тайёрланган 5А340102 – “Архитектура назарияси ва тарихи, архитектура ёдгорликларини тиклаш”, 5А340101 – “Бино ва иншоотлар архитектураси”, 5А311503 – “Бино ва иншоотлар кадастри”, 5А311502 – “Геодезия ва картография (амалий геодезия)” мутахассисликлари бўйича таълим олувчи магистрантлар учун мўлжалланган **“Меъморий обидалар ўлчамларини аниқлашнинг геодезик усуллари”** номли ўқув қўлланмасини чоп этишга тавсия берилсин.

Эшитилди:

“Материаллар қаршилиги ва қурилиш механикаси” кафедраси профессори **Ҳ.Ш.Тўраев** ва доц. **С.Қ.Тошев**лар томонидан тайёрланган 5А80210 – “Қурилиш механикаси ва зилзилабардошлик” мутахассислиги бўйича таълим олувчи магистрантлар учун мўлжалланган **“Эластик ва пластиклик назарияси”** номли ўқув қўлланмасини чоп этишга тавсия бериш ҳақида илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматов**нинг ахбороти тингланди.

Илмий кенгаш қарор қилди:

“Материаллар қаршилиги ва қурилиш механикаси” кафедраси профессори **Ҳ.Ш.Тўраев** ва доц. **С.Қ.Тошев**лар томонидан тайёрланган 5А80210 – “Қурилиш механикаси ва зилзилабардошлик” мутахассислиги бўйича таълим олувчи магистрантлар учун мўлжалланган **“Эластик ва пластиклик назарияси”** номли ўқув қўлланмасини чоп этишга тавсия берилсин.

VI. Илмий рисолали чоп этишга тавсия бериш ҳақида.

Эшитилди:

Тошкент архитектура-қурилиш институти профессори **Б.М.Хобилов** ва Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Бино-иншоотларни лойиҳалаш ва сервис” кафедраси доценти **У.Фахриддинов**лар томонидан тайёрланган **“Кучли зилзилалар оқибатлари”** номли илмий рисоласини чоп этишга тавсия бериш ҳақида илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматов**нинг ахбороти тингланди.

Илмий кенгаш қарор қилди:

Тошкент архитектура-қурилиш институти профессори **Б.М.Хобилов** ва Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Бино-иншоотларни лойиҳалаш ва сервис” кафедраси доценти **У.Фахриддинов**лар томонидан тайёрланган **“Кучли зилзилалар оқибатлари”** номли илмий рисоласини чоп этишга тавсия берилсин.



Илмий кенгаш котиби

Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов